



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 19 - aprel

692 n -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Мархум Куронбаев Абдулланинг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Оқ олтин” маҳалласида яшовчи фуқаро Куронбаев Шокир Абдуллаевичнинг мархум отаси Куронбаев Абдулланинг “Оқ олтин” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 25 мартдаги ШЯ-Қ-1292-сонли аризасини, “Оқ олтин” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 19 мартдаги 930-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Оқ олтин” маҳалласида жойлашган 11 (ўн бир)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 109,8 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 184,24 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 294,04 квадрат метр, қурилиш ости майдони 386,12 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Куронбаев Абдуллага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Мархум Куронбаев Абдулланинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа максадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Мархум Куронбаев Абдулланинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев